

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил март ойининг 19 куни, Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати биносида, кассация инстанциясининг очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимда, вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси С.Сувонқуловнинг раислигида, ҳайъат судьялари С.Содиқов ва Х.Бобоқуловлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Зокировнинг котиблигида, тарафлардан: Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори М.Ортиқов, судланган \*\*\*\*нинг ҳимоячиси-адвокат З.Бекмурадоваларнинг иштирокида, суд ҳукми устидан Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан кассация тартибида билдирилган протест ва судланган \*\*\*\*нинг ҳимоячиси-адвокат З.Бекмурадованинг шикоятини 1-1814-2501/15-сонли жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2025 йил 19 февралдаги ҳукмига асосан:



[REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 йил, ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил, ЖКнинг 59-моддасига асосан узил-кесил 3 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, суд залида қамоққа олинган.

Суднинг ҳукмига кўра, \*\*\*\* илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этиб, жавобгарликка тортилганидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, 2024 йил март ойининг ўрталарида ўзи яшаб келаётган Шаҳрисабз шаҳар “Файзобод” МФЙ Истиқлол кўчаси 33-уйнинг ҳовлисидаги ҳожатхона олдида таркибида тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлган “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси ҳисобланган экиш ва етиштириш тақиқланган 1 туп наша ўсимлиги уруғини экиб, парваришлаб, етиштириб, 2024 йил август ойининг охирларида ушбу 1 туп “каннабис” ўсимлигининг баргларини поясидан ажратиб, йиғиб олиб, уларни қуриштириб, гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, 2 дона “Спички” ёзув гугурт қутисига солиб, келгусида уларни ўзи истеъмол қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги 2024 йил 31 октябрь куни соат 19.30 ларда Чироқчи тумани марказидаги “Имкон” номли савдо маркази олдида Чироқчи туман ИИБ ЖКБ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган текзор тадбир давомида аниқланиб, 2 дона “Спички” ёзув гугурт қутисига бўлган яшил рангли, ўзига хос ўткир ҳидли ўсимлик қуришмаси холислар иштирокида тегишлича ҳужжатлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизасининг 2024 йил 1 ноябрдаги №1254-сонли хулосасида, \*\*\*\*нинг ёнидан ҳужжатлаштириб олинган яшил рангли, ўткир ҳидли ўсимлик қуришмаси таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддаси бор ва “Марихуана” гиёҳвандлик воситаси эканлиги, ушбу гиёҳвандлик воситасининг соф оғирлиги 6,7 грамм эканлиги кўрсатилган.

Судга оид наркология экспертизасининг 2024 йил 11 ноябрдаги №380-сон хулосасида, \*\*\*\* РИРСИАТМНХБҚВФнинг “Д” ҳисобида турмаслиги, гиёҳвандлик хасталигига чалинмаганлиги, гиёҳванд моддалардан нашани эпизодик равишда чекиш йўли билан истеъмол қилиши, у мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Протестда, биринчи босқич суди судланган \*\*\*\*нинг ҳаракатлари ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан нотўғри квалификация қилганлигини билдириб, суд ҳукмини бекор қилиб, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди ва 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан малакалаб, модда санкцияси доирасида жазо тайинлаш сўралган.

Ҳимоячи З.Бекмурадова шикоятда, \*\*\*\*нинг айбига иқроп ва пушаймонлигини, қарамоғида тўрт нафар фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.



Кассация инстанцияси суди, иш бўйича судья Х.Бобоқуловнинг маърузасини, прокурор М.Ортиқовнинг протестни қаноатлантириб, судланган \*\*\*нинг ҳаракатларини ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди ва 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан малакалаб, модда санкцияси доирасида жазо тайинлаш, судланган \*\*\*нинг ҳимоячиси-адвокат З.Бекмурадованинг протестни рад қилиб, шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, протест ва шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда текшириб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланган \*\*\*нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилганликдаги айби ўзининг иқрорлик кўрсатувларидан ташқари, тезкор вакил Ш.Қулмуродовнинг билдиргиси, тақдим қилинган нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотосуратлар, дастлабки тушунтириш хатлари, кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, судга оид кимёвий ва наркологиya экспертизаси хулосалари каби жиноят ишида мавжуд объектив далиллар билан тасдиқланган.

Кассация инстанцияси суди протестда кўрсатилган \*\*\*нинг ҳаракатларини ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” банди ва 276-моддаси 2-қисми “б” банди билан малакалаб, модда санкцияси доирасида жазо тайинлаш ҳақидаги важларни иш ҳужжатлари билан муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 501-моддасида, “Агар шикоятда ёки протестда оғирроқ, жиноят тўғрисидаги қонуни қўллаш зарурлиги ҳақидаги, жазони кучайтириш тўғрисидаги ёхуд маҳкумнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги қонунни қўллаш тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини кассация тартибда қайта кўришга, шунингдек суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тугатиш тўғрисидаги ажримини кассация тартибда қайта кўришга фақат улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил ичида йўл қўйилади” деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 25 мартдаги “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибда кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандига кўра, қонунда кассация шикояти (протести) бериш учун бирон-бир муддат белгиланмагани, шу билан бирга, ЖПК 501-моддасининг мазмунига кўра, ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест), башарти унда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар (маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилаш, шартли ҳукми бекор қилиш, ундирув миқдорини кўпайтириш, башарти бу жиноят квалификацияси маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартирилишига олиб келса ва ҳ.к.), шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш назарда тутилган бўлса, суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин эмаслиги, бунда бир йиллик



муддат тегишли ҳукм, ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинган кун қўшилган ҳолда ҳисобланиши кераклиги, бир йиллик муддат ўтгандан сўнг берилган кассация шикоят (протести) кўриб чиқилмаслиги ва уни берган шахсга қайтарилиши;

агар кассация шикоят (протести) ЖПК 501-моддасида кўрсатилган бир йиллик муддат ўтгунга қадар берилган бўлиб, мазкур муддат иш бўйича қарор қабул қилингунга қадар ўтиб кетса, у қаноатлантирилмасдан қолдирилиши ва бу ҳақда шикоят (протест) берган шахсга маълум қилиниши ҳақида тушунтириш берилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, судланган \*\*\*\*га нисбатан чиқарилган ҳукм 2025 йил 3 март куни қонуний кучга кирган, бугунги кунга келиб, \*\*\*\*нинг аҳолини оғирлаштирувчи томонга ўзгартирилиши мумкин эмаслиги сабабли протестга важларни муҳокама қилмасликни лозим топди.

Бундан ташқари, кассация инстанцияси суди, шикоятдаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги важларни кўйидагиларга асосан қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган \*\*\*\* айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноят учун қонун санкциясида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 16-бандида, рецидив жиноят бир неча жиноят турлари ичида энг хавфлиси бўлиб, у шахс томонидан жиноий хулқ-атвор давом эттирилаётганлигидан далолат бериши, 20-бандида, хавфли рецидив жиноят деб - илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, \*\*\*\* илгари икки марта судланган бўлиб, бундан тегишли хулоса чиқармасдан, янги жиноятларни қасддан содир этган.

Қолаверса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, жамият учун хавфли жиноят ҳисобланади.

Суд томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир. Адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга - маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишини олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Биринчи инстанция суди, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб, тўпланган далилларга объектив баҳо бериб, судланувчи \*\*\*\*нинг айби тўлиқ исботланган деган асослантирилган хулосага келган ҳамда унинг жиноий ҳаракатини тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниб, ЖКнинг



59-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, адолатли ва қонуний тўхтамга келган.

Бундай ҳолда, шикоятдаги \*\*\*\*га озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги вазларни асосли деб бўлмайди.

Протест ва шикоятда келтирган вазлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўла олмаслиги сабабли кассация инстанцияси суди суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган протест ва шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482, 483, 509<sup>9</sup> ва 509<sup>10</sup>-моддаларига асосан кассация инстанцияси суди

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2025 йил 19 февралдаги \*\*\*\*га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган протест ва шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар Қашқадарё вилоят судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

С.Сувонқулов

Ҳайъат судьялари

С.Содиқов

Х.Бобоқулов

